

Мулкдорлар ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди.



Ушбу Фармонга мувофиқ эндиликда:

- мулкка бўлган ҳуқуқни қайсидир орган томонидан (протест асосида ҳам) олдин қабул қилинган ҳужжатни бекор қилиш мумкин эмас. Агар ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин;
- юридик шахс тугатилганда, унинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинмайди ва ер давлат захирасига қайтариб олинмайди. Ушбу ерлар тугатилаётган юридик шахс муассисларига ўтади;
- ердан ихтиёрий воз кечиш (айниқса фермерлар томонидан) нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилади, бунда ҳоким томонидан қарор қабул қилиш бекор қилинмоқда;
- ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлат мулкидаги бошқа қўчмас мулк объектнинг мулк қилиб бериш тартиби йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, 2023-йил 1-январдан бошлаб **УЗКАД-кадастр ва қўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интегратор ахборот тизими** - қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ҳамда қўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар юритиладиган, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги **давлат томонидан қўчмас мулк объектларига ягона ахборот тизими сифатида белгиланди.**

Олтинсой туман адлия бўлими бошлиғи Н.Холиёров